

Мустақиллик йилларида ОАВни ривожлантириш, демократлаштириш унинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш борасида мустахкам ҳуқуқий база яратилди. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари шулар жумласидандир.

олди платформасида бу масала қуйидагича баён этилган. “Партия ОАВ лари чинакам мустақиллиги ва фаолиятини булдандан буён ҳам таъминлаб бориш, уларнинг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илгартиришда, Ўзбекистон халқининг ноёб маданияти ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини, шунингдек, янгилаштириш ва модернизация

ётанлиги, қолаверса, турли йилдаги мафкуравий ҳуружларнинг айнан оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилаётганлиги бу соҳамиз ҳар томонлама ривожлантиришни кун тартибига қўймоқда.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимиз ва хориқда

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ОАВ

Хусусан, “Ахборот олиш эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасида “очиклик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир” деб белгиланган. Хўш, қонунда белгиланган мана шу норма ахборот трансферентлигини таъминламайдими? Назаримда, бундан ётарли даражада фойдалана олмаймиз. Халқи савол турғилиши табиий. Негиз? Очингани тан олиш керак, айрим журналистларимиз ўтган тузумдан қолган тенденциозлик сарқитидан холи бўла олмаётдилар. Танқидни том маънода танқид деб қарамай, уни қисқ, таҳлил, мулоҳаза тарзида ёритиш журналистдан фақат жасорат эмас, балки билим, мақорат

ва ирода ҳам талаб этади. Мирзо Бедил таъбири билан айтганда, сувнинг юзасида сузганлар ҳовутида кўпик, унинг тубига шўнғиганлар марварид олиб чиқадилар.

“Очиклик ва ошкоралик принципи”, ахборотнинг ҳаққоний бўлиш шарти билан омухта ҳолда ифода этилиши шарт. Бунга амал қилиш учун эса, аввало билиш керак. Шунинг учун ҳам амалдаги қонунлар шунчаки кўз югуртирадиган ҳужжат эмас, балки ҳижжалаб ўқиладиган керак бўлса, сўзма-сўз, моҳиятини чуқур ўрганиладиган ҳужжатдир.

Қарангки, шу ўринда соҳада малакали кадрларнинг тайёрланиши ҳам кун тартибига чиқади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайлов

қилиш жараёнларидаги таъсирчанлигига кучайтириш масалаларига муҳим аҳамият беради. Бунда журналист кадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот маконида соғлом рақобатни, давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фэн ва техниканинг анг янги ютуқлари асосида ОАВ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади”.

Бугун “ахборот бозори” ривожланган ва айнан қудратли кучга айланган ҳозирги шариотда миллий маъбуотиимиз сифатини ва таъсирчанлигини ошириш кечиктириб бўлмайдиган ваазифалардан бири ҳисобланади. Кундан-кунга ахборотга бўлган эътибоннинг ортиб бора-

одир бўлаётган воқеаларни фикрлар хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим. Агар соҳа билан боғлиқ миллий қонунчиликка бир эътибор қаратадиган бўлсак, бошқа оммавий ахборот воситаларига қараганда кун сайин таъсир кучи ортиб бораётган телевидение ва радио ёки кабель телевидениелари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилинмаганлигини қўришимиз мумкин. Уйлейманки, мана шу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Аскар УТЕМУРДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати,
ЎзМТДЦ фракцияси аъзоси